ЖАМИЯТ

№ 28 (998)
2026 йил
13 август,
Пайшанба

Ижтимоий-сиёсий, экологик газета

2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган

ҚЎЛИНГИЗДАГИ ОДДИЙ ЕЛИМ ПАКЕТЛАР 100 – 200 ЙИЛ ПАРЧАЛАНАДИ

+ ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИНИ БУТУНЛАЙ ЙЎҚОТАДИ

«КРЕДИТ»ГА ҚУРИЛГАН ҲАЁТ

ТОҒ БАҒРИГА ЙЎЛ ОЛЯПСИЗМИ?

4 ТА ОДДИЙ ҚОИДАГА АМАЛ ҚИЛИНГ

ЖАМИЯТ
2026 йил 13 август № 28 (998)

КЎНГИЛХУШЛИКНИНГ БАҲОСИ ҚАНЧА?

Тоғлар — заминнинг соф ҳаво қалқони ва обиҳаёт манбаидир. Бироқ бугунги кунда инсоннинг масъулиятсизлиги, айниқса, экотуризм ниқоби остидаги маданиятсиз ҳордиқ ушбу ноёб тизимни инқироз ёқасига олиб келди. Хўш, давлат бу борада қандай қатъий чоралар кўрмоқда? Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси томонидан табиат кушандаларига қарши қандай кураш олиб бориляпти?

Тоғлар шунчаки гўзал ландшафт ёки ҳордиқ чиқариш маскани эмас. Улар сайёрамизнинг энг муҳим табиий ресурсларини бошқарадиган мураккаб, нозик ва айни пайтда ҳимояга муҳтож тизимдир. Ўзбекистон аҳолиси ва иқтисодиёти учун ҳам тоғлар ҳаётий аҳамиятга эга. Бироқ охирги йилларда мамлакатимизда ички туризм ва экотуризмнинг оммалашиши ушбу ҳудудларда тизимли экологик инқирозни келтириб чиқармоқда. Дам олувчилар оқимининг кескин ортиши ва «экологик маданият»нинг пастлиги сўлим гўшаларимизни оғир аҳволга солиб қўйди.

Бугун дунё миқёсида глобал иқлим ўзгариши, музликларнинг эриши ва сув тақчиллиги энг оғриқли муаммо бўлиб турибди. Бундай шароитда тоғларнинг табиат мувозанатини сақлашдаги ўрни учта асосий омилда кўринади:

• Тоза сув манбаи: Кўҳна заминимизнинг Сирдарё ва Амударё каби йирик дарёларини тўйинтирувчи музликлар, Чорвоқ ва Оҳангарон каби улкан сув омборлари айнан тоғ тизмаларида жойлашган. Ичаётган обиҳаётимизнинг софлиги тоғлар софлигига боғлиқ.

• Улкан «фильтр» ва яшил қалқон: Тоғ тизимларидаги ўрмонлар ва ноёб арчазорлар ҳавони карбонат ангидриддан тозалаб, кислород билан бойитади. Шунингдек, улар кучли сел келиши ва тупроқ емирилишининг (эрозия) олдини олади.

• Биохилма-хиллик бешиги: Ўзбекистон тоғлари Қизил китобга киритилган ноёб қор қоплони, Тянь-Шань қўнғир айиғи, шунингдек, юзлаб ноёб доривор ўсимликларнинг асл ва ягона ватанидир.

Ҳар йили ёз ва баҳор мавсумида юз минглаб ватандошларимиз салқин тоғ бағрига ошиқадилар. Аммо ачинарлиси, аксарият дам олувчилар ўзларидан кейин келажак авлод у ёқда турсин, бир неча кундан кейин келадиган бошқа сайёҳлар ҳам ўтиролмайдиган даражадаги чиқинди уюмларини қолдирмоқда.

Бугун Чимён ёки Бўстонлиқнинг исталган сўқмоғига қадам қўйманг, дарахт шохларига илиниб қолган пакетлар, сув бўйларидаги пластик идишлар ва консерва қутиларига кўзингиз тушади. Бир марталик идишлар ва елим пакетлар табиатда 400-500 йил давомида чиримайди. Улар тупроқ таркибини бузади, ёввойи ҳайвонлар ва қушларнинг уларни еб, заҳарланиб ўлишига сабаб бўлади.

Дам олувчиларнинг аксарияти дарё ва сой бўйларида пикник ташкил қилади. Овқат қолдиқлари, кимёвий ювиш воситалари, тарвуз пўчоқлари тўғридан-тўғри сувга улоқтирилади ёки қирғоқда қолдирилади. Ёмғир сувлари эса бу чиқиндилардаги заҳарли моддаларни ювиб, пастдаги аҳоли пунктлари истеъмол қиладиган ичимлик сув тармоқларига қўшади. Бу нафақат табиатга, балки миллионлаб инсонлар саломатлигига тўғридан-тўғри таҳдиддир.

Маданиятсиз ҳордиқнинг яна бир даҳшатли оқибати — ўчирилмай қолдирилган гулханлар ёки ерга ташланган сигарет қолдиқларидир. Тоғ ўсимликлари, хусусан, арчалар жуда секин ўсади (бир туп арчанинг вояга етиши учун ўнлаб йиллар керак). Масъулиятсиз биргина ҳаракат эса бир неча соат ичида гектарлаб яшил майдонларни кулга айлантиради.

Муаммо нақадар жиддийлигини англаш учун узоққа бориш шарт эмас. Масалан, оммавий туризм марказига айланган Бўстонлиқ туманидаги ҳудудда, хусусан, Хумсон яқинида маҳаллий дала ҳовлилар ва сайёҳларнинг масъулиятсизлиги сабаб улкан ноқонуний чиқиндихоналар юзага келган. Оқсоқота сойи ва Чимён ёнбағирларида эса ҳар йили экологик акциялар давомида тонналаб маиший чиқиндилар йиғиб олинади, бироқ кейинги ҳафтада вазият яна эски ҳолига қайтади.

ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон миллий табиий мероси рўйхатига номзод сифатида тақдим этилган «Зомин тоғлари» миллий табиат боғи ҳам бугун инсон омилидан азият чекмоқда. Ноёб дарахтларнинг шикастланиши, шовқин-сурон сабабли ноёб қушларнинг уяларини ташлаб кетиши ва табиат бағридаги чиқиндилар экотизимнинг асл қиёфасини йўқотмоқда.

Бугун давлатимиз атроф-муҳитни муҳофаза қилишни миллий хавфсизлик даражасидаги устувор вазифа деб билмоқда. Сўнгги йилларда соҳада бошқарув тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган муҳим тарихий қадамлар ташланди. Президентимиз фармонига мувофиқ, соҳадаги назоратни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ташкил этилди. Янги тизимга кўра, қўмита ҳеч бир давлат органига бўйсунмасдан, бевосита Парламент ва Президент олдида ҳисобдор этиб белгиланди. Бу эса экологик муаммоларга ижро этувчи ҳокиматларнинг аралашувисиз, холис ва тезкор ечим топиш имконини бермоқда.

Қўмита таркибида махсус ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилма — Экологик полиция фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу тузилма тоғли ҳудудларда, дам олиш масканларида тун-у кун рейдлар ўтказиб, чиқинди ташлаётган, дарахтларни шикастлаётган ва табиатга зарар етказаётган қоидабузарларни бевосита жойида аниқлаб, қатъий чоралар кўрмоқда.

Янги қонунчиликка мувофиқ, атроф-муҳитни ифлослантирганлик учун юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан жарималар бир неча баробарга оширилди. Эндиликда жазо фақат қуруқ жаримадан иборат эмас, балки табиатга етказилган реал зарарнинг ҳажмига мутаносиб равишда молиявий санкциялар шаклида ундирилмоқда.

Миллий қўмита ва унинг жойлардаги бўлинмалари тоғлар софлигини сақлаш йўлида кенг кўламли чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Яъни, тоғ ёнбағирларида тупроқ эрозияси ва сел хавфининг олдини олиш мақсадида миллионлаб туп маҳаллий иқлимга мос дарахт ва бута кўчатлари экилиб, яшил ҳудудлар кенгайтирилмоқда. Туризм ривожланган тоғли йўналишларда Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги билан ҳамкорликда махсус чиқинди қутилари ўрнатилиб, уларни вақтида олиб чиқиб кетиш тизими йўлга қўйилди.

«Ўзингдан кейин тозалик қолдир!» шиори остида кўнгиллилар ва жамоатчилик иштирокида мунтазам плоггинг (югуриб кетаётиб чиқинди йиғиш) акциялари ташкил этилмоқда.

Давлат томонидан қанчалик мукаммал қонунлар қабул қилинмасин, Экологик полиция қанчалик назоратни кучайтирмасин, агар ҳар бир фуқаронинг юрагида табиатга нисбатан дахлдорлик ҳисси уйғонмас экан, тоғларимизни асраб қолиш мушкул кечади. Тоғлар — бизга аждодлардан қолган бебаҳо мерос ва келажак авлод олдидаги масъулиятимиздир. Уларни асраш — Ватанни, ҳаётимизни ва келажагимизни асрашдир!

Дилбар МАҲМУДОВА,
«Жамият»

МАЪРИФАТ ЯНА ҚУДРАТЛИ КУЧГА АЙЛАНМОҚДА. НЕГА?

XXI асрда инсоният янги цивилизацион босқичга қадам қўйди. Сунъий интеллект, рақамли иқтисодиёт, биотехнология ва космик тадқиқотлар ҳаётимизни тубдан ўзгартирмоқда. Бу ўзгаришлар шароитида энг қиммат ресурс нефть ҳам, газ ҳам эмас. Энг қиммат бойлик — билимли инсон, эркин тафаккур ва юксак маърифатдир.

Маърифатли инсон ахборотни танлайди, таҳлил қилади, манбаларни солиштиради, танқидий фикрлайди. Ана шу қобилиятлар бугун энг муҳим интеллектуал капиталга айланмоқда. Ёлғон хабарлар, турли манипуляциялар ва ахборот хуружлари даврида медиасаводхонлик ҳам маърифатнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Маърифатли жамият қуришда китобнинг ўрни беқиёс. Китоб - жамият маданиятининг ажралмас бир кисмидир. Китоб маънавий бўшлиқни тўлдиради, маданиятни юксалтиради. Инсоният маданияти тараққиётининг энг тўлиқ ва ҳар томонлама ифодаси сифатида китоб кўп асрлар мобайнида шахсни тарбиялашда ва унинг ақлий ривожланишида муҳим ўринга эга.

Ҳозирги кунда китоб инсоният яратган муомала воситалари ичида энг ишончли ва энг қулай воситадир. Инсоннинг ақл-заковати ва билимларини сақлаш ва кенг ёйишнинг энг мукаммал қуроли бўлган китоб шахснинг ҳар томонлама юксалишига ва ижтимоий тараққиётига ёрдам беради; у ҳар бир кишига инсоният эришган ютуқларни билиш имконини беради ва бу билан халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бизгача сақланиб қолган шундай ёзувлар, китоблар бўлмаганида инсоният ўз ўтмишини ҳам, билим, донолик ва ҳикматларини ҳам билолмаган, илм-фанни ҳам тараққий эттира олмаган бўларди.

Китоб барча замонлар учун хам энг зарур нарса, қалблар малҳами, билимлар хазинаси, донишмандлик чашмаси бўлган ва шундай бўлиб колаверади. Азалдан маънавият, маданият бешиги бўлган Кўҳна Шарқ ўз бағрида минг-минглаб даҳоларни, донишманд, алломаларни етиштирди. Бу замин тупроғида не-не кашфиётлар туғилмади дейсиз. Бу ажиб маскан қучоғида қанчадан-қанча асрларга татигулик шоҳ асарлар яратилди, мангуликка юз тутди. Инсоният учун, бани-башар учун руҳий туганмас озуқа манбаини ўтади. Албатта, ҳар қайси даврда маърифатли жамият ҳар қандай мафкуравий жамиятдан устун бўлиб келган.

Буюк аждодларимиз Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Ҳаким Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд каби алломалар беқиёс маърифати билан умуминсоний маданиятнинг ривожланишига улкан ҳисса қўшган. Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Улуғбек, Навоий ва Бобур маърифатни илм, амал, одоб билан ўзаро боғлиқ хислатлар деб ҳисоблаган. Уларнинг фикрига кўра, кишининг одоби, хулқи унинг маърифати, билимдонлиги билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, инсон қанчалик маърифатга эришса, унинг хулқи шунчалик яхши ва мукаммал бўлади.

Маърифатли инсон – ўқимишли киши, зиёли, илмли, ориф, фозил, олим, муаллим, устоз, мураббий, ахлоқан комил инсон. Маърифатли инсон кўпроқ маориф соҳасида қўлланади. Бироқ, маърифатли инсон сўзи ўзагида ориф сўзи ҳам борлиги учун бу бирикмани нафақат таълимда, балки барча соҳалардаги илмларни эгаллаган ва барча ахлоқ меъёрларини ўзлаштирган одоб-ахлоқли кишиларга нисбатан қўлласа бўлади.

Маънавият таянчи – маърифатли инсонлардир. Жамиятни маърифатли инсонларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Жамият элитасини, афкор оммасини маърифатли инсонлар белгилайди.

Ижтимоий муносабатлардаги ҳар қандай ўзгариш маърифатга таъсир этади ва унда бу муносабатлар қандай натижаларга олиб келиши ўзига хос тарзда намоён бўлади.

Кейинги 15-20 йил ичида инсоният илмий-техникавий майдонда шу қадар тараққий этиб кетдики, бунинг оқибатида ҳаёт ҳақидаги тушунчалар ўзгармоқда, мисли кўрилмаган қулайликлар юзага келмоқда. Шунинг билан бирга янги ижтимоий муаммолар пайдо бўлмоқда ва одамлар ўртасидаги муносабатлар шакли-шамойили ўзгармоқда. Хусусан, бунда алоқа воситалари, айниқса, телефон ва унга боғлиқ технологияларнинг мукаммалашаётгани чуқур из қолдирмоқда.

Сунъий интеллект инсон ўрнини эгаллайдими? Бугун кўпчиликни ўйлантираётган саволлардан бири шу. Аслида, сунъий интеллект айрим касбларни ўзгартириши мумкин. Лекин у инсоннинг виждони, меҳр-оқибати, ижодкорлиги, ахлоқий масъулияти ва мустақил тафаккурини алмаштира олмайди.

Сунъий интеллектнинг жадал ривожланиши ҳам инсон олдига янги вазифаларни қўймоқда. Оддий меҳнатни машина бажара олади. Аммо ижодкорлик, ахлоқий масъулият, мустақил фикрлаш ва инновацион ёндашув каби фазилатларни ҳеч қандай дастур тўлиқ алмаштира олмайди. Шунинг учун ҳам келажак рақобати технологиялар эмас, балки инсон капитали рақобатига айланмоқда.

Мамлакат тараққиёти ҳам инсон капиталига боғлиқ. Табиий ресурсларга бой давлатлар ҳам илм-фан ва таълимга эътибор бермаса, иқтисодий рақобатда ортда қолиши мумкин.

Япония табиий ресурсларга (нефть, газ, темир рудаси, кўмир каби) бой давлат эмас. Бу давлат иккинчи жаҳон урушидан кейин асосий эътиборни илм-фан, инновация ва сифатли таълим таълимга қаратди. Натижада 1950–1980 йилларда “Япон иқтисодий мўъжизаси” деб аталган тезкор тараққиётга олиб келди.

Инсон капиталига эътиборни кучайтирган Жанубий Корея ҳам иккинчи жаҳон урушидан кейин тезлик билан ривожланиш босқичига кирди, бугунги кунга келиб “Корейс мўъжизаси”ни яратди.

Афғонистан давлати табиий ресурсларга жуда бой (литий, мис, темир, олтин) бўлишига қарамай, аҳолисининг катта қисми қашшоқликда яшамоқда. Узоқ давом этган давомли урушлар Афғонистон таълим тизимининг издан чиқишига олиб келди. Конго давлати ҳам табиий ресурсларга жуда бой (кобальт, мис, олмос), бироқ мактаблар ва университетлар етишмаслиги ҳамда сиёсий беқарорлик унинг тараққий этишига салбий таъсир кўрсатди.

Демак, табиий ресурсларнинг кўплиги ўзига хос равишда илм-фан ривожланишини кафолатламайди. Бу кўпроқ давлат бошқаруви, таълим сиёсати, инвестиция ва барқарорликка боғлиқ.

Бугунги ёшлар Янги Ўзбекистоннинг интеллектуал қудратига айланиб бормоқда. Ҳар бир мамлакатнинг келажаги унинг ёшлари билан ўлчанади. Бугунги мактаб ўқувчиси эртанги олим, ихтирочи, тадбиркор ёки давлат бошқарувчисидир. Агар ёшлар билимли, ватанпарвар ва юксак маънавиятли бўлиб камол топса, мамлакатнинг эртанги куни ҳам ишончли бўлади.

Б. ҚОДИРОВ,
Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти бўлим бошлиғи

ЖАМИЯТ
2026 йил 13 август № 28 (998)

ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ЯНГИ БОСҚИЧДА

Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси раиси ўринбосари Жусипбек Казбеков бошчилигидаги делегация ҳамда Грузия Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва қишлоқ хўжалиги вазирлигининг биринчи ўринбосари Нино Тандилашвили раҳбарлигидаги делегация ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Видеоконференция форматида ўтган учрашув 2026-йил 3-июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Грузияга давлат ташрифи доирасида имзоланган экология соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандумни амалга ошириш масалаларига бағишланди.

Томонлар Меморандумни амалга оширишга қаратилган “Йўл харитаси”ни тайёрлашни муҳокама қилиб, ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилаб олдилар. Хусусан, чиқиндиларни бошқариш соҳасидаги ҳамкорлик, жумладан, чиқиндиларни алоҳида йиғиш, саралаш ва қайта ишлаш бўйича Грузия тажрибасини ўрганиш, шунингдек, чиқиндиларни қайта ишлаш орқали энергия ишлаб чиқарувчи замонавий мажмуаларни барпо этиш масалалари кўриб чиқилди.

Шунингдек, иқлим ўзгариши бўйича Париж битимини амалга ошириш доирасидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, иссиқхона газлари ташламаларини камайтириш, иқлим ўзгаришига мослашиш ҳамда иқлимни молиялаштириш механизмларини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди. Томонлар, шунингдек, GEF, GCF, BMT Тараққиёт дастури (UNDP) ва Европа Иттифоқи каби халқаро молиявий институтлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорликда қўшма экологик ва иқлим лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга ошириш истиқболларини кўриб чиқдилар.

Якунда Меморандум қоидаларини изчил амалга оширишни мувофиқлаштириш мақсадида қўшма ишчи гуруҳ тузиш, миллий координаторларни тайинлаш ҳамда мунтазам эксперт маслаҳатлашувларини ўтказиш бўйича келишувга эришилди.

Томонлар экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши соҳаларида Ўзбекистон–Грузия ҳамкорлигини янада ривожлантиришдан ўзаро манфаатдор эканликларини яна бир бор тасдиқладилар.

БИЛАСИЗМИ?

Ўзбекистон тоғ ўрмонларининг асосини ташкил этувчи арча дарахти жуда секин ўсади. Унинг бўйи бор-йўғи 1 метрга етиши учун

50 йилдан 70 йилгача

вақт талаб этилади. Эътиборсизлик туфайли содир бўлган биргина ёнғин асрлик арчазорларни бир неча дақиқада йўқ қилади.

МАСЪУЛИЯТ ВА БУНЁДКОРЛИК

Сўнгги йилларда экологик қонунчилик такомиллаштирилиб, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, чиқиндиларни тўғри бошқариш, ҳаво, сув ва ер ресурсларини муҳофаза қилишга қаратилган тизимли ишлар изчил давом этмоқда. «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида миллионлаб дарахт ва буталар экилиб, шаҳар ва қишлоқларимиз янада кўркам қиёфа касб этмоқда.

Экология тизимида фаолият юритар эканман, мустақиллик йилларида аҳолининг экологик маданияти сезиларли даражада юксалганига гувоҳ бўляпман. Фуқаролар атроф-муҳит тозалигига бефарқ бўлмай, дарахт экиш, ҳудудларни ободонлаштириш ва табиатни асраш ишларида фаол иштирок этмоқда. Бу эса келажак авлод учун соғлом ва мусаффо муҳит яратиш йўлида муҳим аҳамият касб этади.

Хизмат фаолиятимиз давомида корхона ва ташкилотларда экологик талабларга риоя этилиши устидан назорат ўрнатиш, фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган тадбирларда иштирок этамиз. Бу жараёнларда ҳар бир фуқаронинг табиатга эҳтиёткорона муносабати юртимиз экологик барқарорлигини таъминлашда муҳим омил эканини янада чуқур ҳис қиламиз.

Мустақиллик бизга нафақат эркин ва озод ҳаётни, балки Ватанимиз табиатига эгалик қилиш, уни асраб-авайлаш масъулиятини ҳам берди. Зеро, мусаффо ҳаво, тоза сув, унумдор тупроқ ва яшил табиат келажак авлодга қолдирадиган энг бебаҳо меросимиздир.

Мустақиллик байрами арафасида барча юртдошларимизни табиатга меҳр билан муносабатда бўлишга, яшил ҳудудларни янада кенгайтиришга, экологик қонунчилик талабларига амал қилишга ва Янги Ўзбекистон тараққиёти йўлида сидқидилдан меҳнат қилишга чақираман. Чунки Ватанимиз равнақи ҳар биримиздан юксак масъулият, фидойилик ва она табиатга бўлган меҳрни талаб этади.

Бахшанда МУЗАФФАРОВА,
Бухоро вилояти Экология ва иқлим ўзгариши бош бошқармаси Когон туман бўлими етакчи мутахассиси

ЭСЛАТМА:

Тоғда қолдирилган маиший чиқиндиларнинг табиатда парчаланиш ва йўқ бўлиб кетиш муддатлари:

Чиқинди тури	Парчаланиш муддати	Табиат ва инсонга зарари
Елим пакетлар (полиэтилен)	100 – 200 йил	Тупроқ унумдорлигини бутунлай йўқотади.
Пластик идишлар (баклажка)	450 – 500 йил	Микропластикка айланиб, сув орқали овқатимизга киради.
Консерва қутилари	50 – 100 йил	Занг оқибатида тупроқ ва сувни кимёвий заҳарлайди.
Шиша идишлар (бутилка)	1000 йилдан ортиқ	Қуёш нурида линза вазифасини бажариб, ёнғин чиқаради.|
Сигарет қолдиқлари (филтр)	5 – 12 йил	Тркибидаги никотин ва қатрон сув ҳавзаларини заҳарлайди.

«КРЕДИТ»ГА ҚУРИЛГАН ҲАЁТ



Ҳар бир инсон ўз ҳаёти давомида оиласи, ота-онасининг фаровон яшаши ва фарзандларининг истиқболи учун тинмай меҳнат қилади, елади-югуради.

Кимдир қурувчилик, кимдир шифокорлик қилади, яна кимдир эса арзимаган маош тўланадиган ишларда ишлашга мажбур бўлади. “Арзимаган ойликка ишлаяпман”, “Боламга қачон яхши шароит яратар эканман?”, “Қачон орзу қилган машинамни сотиб оламан?” деган ўй-хаёллар унга тинчлик бермайди. Табийки, мана шундай пайтда бизга кўпроқ моддий кўмак зарур бўлади. Сабаби, ота-боболаримиздан қолган: “Мушук ҳам текинга офтобга чиқмайди”, деган нақл бежиз айтилмаган. Бундан кўринадики, ҳар қандай эҳтиёж учун пул жуда муҳим.

Айниқса, шаҳарда ҳар бир нарсани пулга сотиб оласиз. Майли, чекка қишлоқларни айтмаса ҳам бўлади. Уларда ҳеч бўлмаганда рўзғор учун зарур бўлган сут-қатиқ, сабзавотлар ўз хўжалигидан чиқади. Аммо у ердаги одамларни ҳам юқоридаги каби хаёллар қийнайди.

Кўпчилик олаётган маошини режалаштириб, коммунал тўловлар, рўзғор, ўғил-қизларининг боғчаси ва мактабига сарфлашни, маълум қисмини эса жамғариб боришни одат қилган. Ўша машаққатли меҳнат эвазига келадиган ойлик маош юқоридаги эҳтиёжларга баъзида етади, баъзида эса... Шу сабабли ҳозирги кунда чекка туман ва қишлоқларда яшовчи аҳолининг бир қисми мусофирчиликда ҳар қандай қийинчиликни енгиб, меҳнат қилмоқда. Улар ҳам “оилам, фарзандларим” деб юрибди.

Яна айримлар эса кредитлар оғиримизни енгил қилади, деган хаёллар гирдобида қолмоқда. Кредит — бу қарз. Қарзни эса, албатта, қайтариш керак. Агар ойма-ой тўлай олмасангиз, фоизи кўпайиб, банк томонидан мажбурий тартибда, қонунан ундирувга қаратилади.

Шу ўринда Марказий банк томонидан маълум қилинган қизиқ бир факт: жорий йилнинг биринчи ярми якунларига кўра, 962,8 триллион сўмлик банк активларининг 629 триллион сўми кредитлар учун сарфланган. Бу назаримизда жуда ачинарли статистика. Маълум бўлишича, кредитлар таркибида узоқ муддатлилари устунлик қилмоқда.

Буни қарангки, аҳоли энг кўп кредит олган банкларнинг “ТОП-10” талиги ҳам шакллантирилибди. Бунда биринчи ўринни “Ипотека-банк” эгаллабди. Бу банкдаги умумий кредит миқдори 35,4 триллион сўмни ташкил этар экан. Иккинчи ўринда эса “Халқ банки”. Ушбу банкда бу кўрсаткич 29,97 триллион сўмга тенг. Учинчи ўринни “Ўзмиллийбанк” эгаллаган. Бу банкдан ҳам аҳолининг катта қисми қарздор. Ҳатто йиллик 39-40 фоизгача... Бу борада чет давлатларда фоизлар қанақа? Қўшни давлатларда-чи?

Бизда энг имтиёзли деган кредитлар ҳам 15-18 фоизни ташкил этади.

Кредит олиб қарзга ботаётганлар кўпайиб кетяпти...

Юртимизда ҳар бир фуқаронинг ўз қобилиятига мос, юқори маошли иш ўринларини кўпайтириш бу масаланинг ечими бўлади. Шунингдек, коммунал тўловлар ҳам аҳолининг олаётган маошига мос равишда тартибга солинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Муҳаммадсодиқ ТЎРАЕВ

ТОҒ БАҒРИГА ЙЎЛ ОЛЯПСИЗМИ? ҚУЙИДАГИ 4 ТА ОДДИЙ ҚОИДАГА АМАЛ ҚИЛИНГ:

- Ўзинг билан олиб келдингми — ўзинг билан олиб кет! Тоғда ишлатилган ҳар бир пакет, идиш ва елим қутиларни шаҳаргача махсус халтада қайтариб олиб тушинг.
- Сув манбаларини асранг! Сой, дарё ва булоқлар яқинида идиш-товоқ ёки машина ювманг. Кимёвий воситалар сувни заҳарлайди.
- Гулханга эҳтиёт бўлинг! Оловни фақат махсус ажратилган жойларда ёқинг ва кетишдан олдин уни сув ёки тупроқ билан бутунлай ўчиринг.
- Табиат гўзаллигига тегманг! Ноёб тоғ гуллари ва шифобахш гиёҳларни илдизи билан юлманг, дарахт шохларини синдирманг.

ҒУРУРДАН БАЛАНД МЕҲР

Сўнгги русумдаги учта уловни эшигига қаторлаб қўйган, замонавий ва шинам ҳовлиларида даврон сураётган бир қадрдоним телефон қилиб қолди.

— Бир кўришайлик, — деди овозида одатдагидан фарқли бир оғирлик билан. — Фалончи ака анчадан бери хаста эмиш. Бир хабар олайлик... Фақат, иложи бўлса, сизнинг машинангизда борайлик.

Телефонни ўчирдиму, ичимда бир нарса узилгандай бўлди. «Ижирғаниш» деймизми, «ғашлик» деймизми — кўксимни чимчилаб ўтди. «Тавба, эшигингда учта иномарка машинанг турибди-ку! Кунинг менинг унча-мунча ишга ярамай қолган эски «Кобалт»имга қолдими?» деб хаёлимдан ўтказдим. Хасисликка йўйдим, кўнглим ғашланди. Эътироз билдирмадим-у, лекин ичимдаги ўша совуқ ўй билан йўлга чиқдим.

У билан бозор атрофида учрашдик. Катта бозорлик қилдик. Менга бир сўм ишлатмади, ҳамма харажатни ўзи кўтарди. Лекин ҳали ҳам ўша — машина масаласи дилимга соя солиб турган эди.

Хаста танишимизнинг дарвозаси олдига келиб тўхтадик. Ичкарига кириб, уни кўрдим-у, юрагим орқага тортиб кетди. Қачонлардир тоғни урса талқон қиладиган, моддий томондан ҳам, жисмоний томондан ҳам бақувват бўлган одамнинг ўрнида бир сиқим суяк ўтирарди. Чўкибти, жуда озиб кетибди. Кўзларида мажолсиз бир ҳасрат. Суҳбат асносида билдикки, бошига тушган бу хасталик камдай, бизнеслари синиб, ҳатто уйини сотувга қўйишга мажбур бўлибди.

Дўстим унинг ёнига ўтирди. Елкасидан қучди, шунчалар самимий ва илиқлик билан сўзладики, хаста одамнинг кўзларида йиллар давомида сўнган умид учқунлари қайта ёнгандай бўлди.

— Уйни сотманг, — деди у босиқлик билан. — Фарзандларингиз бўй етиб қолди, уларнинг кўнгли ўксимасин. Муаммолар ўтиб кетади, ҳаммаси жойига тушади. Биз ҳам қараб турмаймиз.

Чиқиб кетаётганимизда, у беморнинг кафтига оҳиста бир даста пул тутқазди. Шундай қилдики, гўё ёрдам бераётгандай эмас, балки қарзини қайтараётгандай тавозе билан.

Ташқарига чиқдик. Кўчага етганимизда дўстим тўхтаб, қўлимдан калитни олди ва рулга ўтирди. Бизни кузатиб чиққан танишимиз бой дўстининг эски машинага ўтирганига ғалати қараб қўйди. Икки-уч километр юрганимиздан сўнг:

— Мошинани энди ўзингиз ҳайданг, — деди.

Яна ҳайрон қолдим. Миямда мингта савол чарх урди. Узоқроқ кетгач, у чуқур хўрсинди-да, менинг аҳволимни сезгандай изоҳ берди:

— Бемор одамнинг кўнгли жуда нозик бўлади. Ҳозир у жисмонан қийналяпти, устига-устак иши юришмай, моддий аҳволи ҳам хароб бўлиб турибди. Агар биз унинг эшиги олдига ҳашаматли уловда борганимизда, унинг кўнгли ўксир эди. «Булар беармон яшаяпти, мен эса бир аҳволдаман» деб ич-этини ерди. Шунинг учун унга «ҳаммаси жойида» эканини кўз-кўз қилгим келмади. Оддийроқ борайлик деганим шундан...

У гапирар эди, мен эса машина рулини чангаллаб, пешонамдан чиқаётган совуқ терни сезмай қолибман. Томчи-томчи тер эмас, ичимдаги торлик ва инжиқ хаёлларимнинг уяти эди, бу.

Бир-бирини сотишга, бировнинг йиқилганидан ҳузур қилишга тайёрлар кўп бу замонда ўз дўстининг, ҳатто бемор танишининг нозик қалбини асраш учун шунчалик теран ўйлайдиган одамлар бор-а?!

Дунёни аслида шундай, ўз манфаатидан кечиб, ўзгаларнинг шаъни ва кўнглини ҳар нарсадан баланд кўя оладиган «чин ИНСОНлар» ушлаб турган бўлса, ажаб эмас.

Мақсуд ХОН

Иссиқда дарахтларни суғоришда агротехник қоидаларга амал қилиш муҳим

Ёзнинг иссиқ кунларида дарахтларни тўғри парваришлаш яшил ҳудудларни сақлаб қолишнинг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Юқори ҳарорат таъсирида тупроқ тез қурийди, намлик буғланиши кучаяди ва дарахтлар иссиқ стрессини бошдан кечиради. Шу боис суғориш ишларини илмий асосланган агротехник қоидаларга мувофиқ ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Аввало, дарахтларни суғориш учун энг мақбул вақт кечки соат 20:00 дан эрталабки 05:00 гача бўлган давр ҳисобланади. Бу вақтда ҳаво ҳарорати паст бўлиб, сувнинг буғланиши камаяди ва намлик илдиз қатламига самарали сингади. Куннинг 10:00–17:00 оралиғида суғориш тавсия этилмайди, чунки сувнинг катта қисми буғланиб кетади.

Суғориш жараёнида сувни дарахт баргларига эмас, балки илдиз атрофига секин ва меъёрида қуйиш лозим. Бу намликнинг илдизларнинг чуқур қатламига етиб боришини таъминлаб, дарахтнинг қурғоқчиликка чидамлилигини оширади.

Суғориш меъёри дарахтнинг ёшига қараб белгиланиши керак. Янги экилган кўчатлар камроқ миқдорда, аммо тез-тез суғорилади. Ёш дарахтларни ҳафтасига 2–3 марта, катта дарахтларни эса ҳафтасига 1–2 марта мўл ва чуқур суғориш тавсия этилади. Юқори ҳарорат таъсирини камайтиришда мулчалаш ҳам муҳим агротехник усул ҳисобланади. Бунинг учун дарахт илдизи атрофи 5–10 сантиметр қалинликда сомон, дарахт пўстлоғи, майдаланган барг ёки бошқа органик материаллар билан қопланади. Мулча тупроқда намликни узоқ вақт сақлайди, ҳароратни пасайтиради ҳамда сув сарфини камайтиради.

Шунингдек, суғоришдан кейин тупроқ юзасида ҳосил бўлган қаттиқ қатламни эҳтиёткорлик билан юмшатиш тавсия этилади. Бу тупроқнинг ҳаво ўтказувчанлигини яхшилаб, сувнинг илдизларга эркин етиб боришига хизмат қилади.

Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида имконият мавжуд бўлган ҳудудларда томчилатиб суғориш тизимларини қўллаш мақсадга мувофиқ. Бундай усул сувни бевосита илдиз зонасига етказиб, исрофгарчиликнинг олдини олади.

Мутахассислар тупроқ намлигини мунтазам назорат қилиш, дарахт тури, ёши ва тупроқ хусусиятларини инобатга олган ҳолда суғориш меъёрларини белгилашни тавсия этади.

Аномал иссиқ шароитида суғориш, мулчалаш ва тупроқни парвариш қилиш бўйича агротехник қоидаларга қатъий риоя этиш дарахтларни соғлом сақлаш, яшил ҳудудларни муҳофаза қилиш ва экологик барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

МУАССИСЛАР:

Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси

Таҳрир ҳайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ
Актам ҲАЙИТОВ
Камолиддин ИШАНХОДЖАЕВ
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-810
Адади: 3018
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нархда.

2024 йил 2 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 0010-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7722

Боғланиш учун телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6

ЖАМИЯТ
2026 йил 13 август № 28 (998)

«ЮРТИМ, СЕНГА ШЕЪР БИТДИМ БУ КУН...»

Хар сафар шу шеърни ўқиганимда кўзларимга ёш келади. Дарҳақиқат, қиёси йўқ бу олам аро жонажон юртимнинг! Фақат уни илғаш, кўз билан кўриш, ҳис қилиш, қадрига етиш, асраб-авайлаш керак!

Ёзнинг чилласида дугоналарим билан гапни бир ерга қўйиб таътилга чиқдик. Ўша сиз билган ёки билмаган Қашқадарё воҳасининг Мираки дам олиш масканига бориб ҳордиқ чиқаришни мақсад қилгандик.

Аксариятимиз йиллаб ишлаб, уй қурай, тўй қилай, машина олай, ҳеч кимдан кам бўлмаслигим керак деймиз-у, шошма, ойда, ҳеч бўлмаса, йилда бир марта дам олишим керак, демаймиз. Кези келганда ҳамма дунёнинг ташвишини, харажатини ўз гарданига олар экан-у, ўзи учун бир мартагина барча ташвишларни унутиб, дунё ажойиботларидан, она-табиат гўзалликларидан баҳра олишга вақтини ва нақдини топа олмас экан.

Яқинда нима бўлса бўлсин, деб тонгда йўлга чиқдик. Борар манзилимиз юқорида айтганим, Шаҳрисабз туманида жойлашган Мираки туризм маркази ва Ҳисорак сув омбори. У ерда яқиндагина ишга тушган дор йўли, осмон-у фалакка қараб бўй чўзган қучоққа сиғмас тераклар соясида жойлаштирилган сўрилар, унинг остидаги муздек зилол сув оқиб турган ариқлар, ҳаммаси сусамбил эртагидагидек сўлим ва салқин. Ҳамроҳлар билан манзилган етиб келдик ва биз учун банд қилинган сўрига жойлашдик. Бироз нафас ростлаш баҳонасида чор атрофни кузатган бўлдик. Ҳар замонда “оқди, оқди” деган шовқиндан атрофга олазарак бўлиб қараб қоламиз. Нима оқди? Ким оқди деб? Сўри остидаги ариқдан қовун, тарвуз, яхна ичимликлар шошиб, шўх думалаб биз томонга оқиб келаётган экан. Ушлаб ҳордиқ олувчиларга қайтарамиз. Ўзимизникиларни оқиб кетмаслиги учун чуқурроқ ҳовузча қилиб жойлаштирамиз.

Бироз тин олгач биз турган ердан 3 км баландликда жойлашган ҳайратомуз Ҳисорак сув омборини кўришга, дор йўлидан беназир она табиатимизнинг бутун ҳусни-жамолини томоша қилишга ошиқдик.

Шу ўринда бир тавсия: муносабатларни янада яқинлаштириш, бир-бирингизнинг қадрингизга етиш, ўртадаги гина-қудратларни тезда осон кўтарилиши учун албатта дам олгани ёки саёҳатга чиқинг-у, осмон-у фалакка интилинг. Яъни юқоридан пастликни томоша қилинг. Бундай ажойиб лаҳзаларда, хавотир ва қўрқув янада бир-бирингизга яқинлаштиради. Ишонч, ҳурмат, меҳр туйғуси кучаяди.

Хуллас, Ҳисорак сув омборига илонизи йўлдан тепага қараб машинада 35 дақиқаларда атрофни томоша қилиб, ҳайратимизни бир-биримизга улашиб чиқиб бордик. Сув омбори атрофи тоғлар ва пастликлар билан ўралган бўлиб, бу ернинг табиати жуда гўзал ва оромли. Бу ҳудудда кўкаламзор, турли дов-дарахтлар ва доривор ўсимликлар бисёр. Айниқса кам саноатлашган муҳит туфайли ҳавоси мусаффо, тоза ва фойдали, муҳими, соғломлаштирувчи таъсирга эга экан. Шофёр тоғанинг айтишича, бу ерларда турли ёввойи ҳайвонлар: айиқлар, бўрилар, тулкиларни ҳам учратиш мумкин экан. Тепага қараб кўтарилганимиз сайин паслик кафтдагидек яққол кўриниб, жуда ҳам ўзгача кўриниш жозиба акс этаверди. Энг яхши сифатли тиниқ тасвир бу ўз кўзингиз орқали кўрилган, хотира секторларига бир умрга муҳрланган мўъжизалардир. Кўзингиз билан кўриб турган табиат тасвирини ақлингиз билан мушоҳада этишга ожизлик қиласиз. Тепаликлар, қир адирлар қизғиш тусда, куёш тиғида замин тупроғи милт-милт ёнади.



Гуёки оллохим бор гузалликни шу ерга сочгандек. Дунёдаги бор чиройлар бир тараф-у, биз кўриб турган бу ажойибот бир тараф. Қойил, демасликнин иложи йўқ.

Ва, ниҳоят, қайиқларга бизнинг навбатимиз етиб келди. Қутқарув желеткаларини кийиб олиб барчамиз жойлашиб ўтириб олдик. Мотор ўт олгандаги энтикишни кўрсангиз эди, сув юзаси бўйлаб сузиб борар эканмиз, юз-кўзимизга сачраб-сачраб отилаётган муздек сув томчилари баттар ҳушёр тортишга, ҳаприқиб ураёган юракларни янада тезроқ уришга ундаётгандек, гўё. Бунақа кайфиятда ҳавонинг 40-50 даража иссиқлиги ҳам сезилмас экан.

Фотима РЎЗИЕВА,
Қашқадарё вилояти